АНТИК ДАВРДА ТИЛ, СЎЗ ВА МАЪНО ТАЛҚИНИ

Д.РУСТАМОВ

Мақолада антик давр олимларининг сўз, унинг тилдаги мавқеи масаласига доир қарашлари ёритилиб, турлича илмий талқинларнинг хусусий ҳолатларини очиб бериш ва умумлаштиришга ҳаракат қилинган.

Калит сўзлар: *сўз, лексема, структура, антик давр, ренессанс, товуш қобиғи, маъно.*

В статье освещаются взгляды античных ученых на проблему статуса слова в языке, предпринята попытка выявить частные положения каждой из научных концепций, а также общие составляющие в их воззрениях.

Ключевые слова: *слово, лексема, структура, античность, ренессанс, звуковая оболочка, значение.*

ТИЛШУНОСЛИК

This article is devoted to the study of a problem of the status of a word in the language of antique period. The author tries to express his relation to each of the theoretical approaches to the linguistic phenomenon as well as the generalizing points of these views on the problem under discussion.

Key words: *Word, lexeme, structure, antique time, renaissance, sound cover, meaning.*

Лексема лисоний структурадаги бошқа маъно ифодаловчи бирликлардан маъновий қийматининг юқорилиги ва нисбий мустақиллиги билан ажралиб туради. Унинг бу хусусияти қисм-бутун (синекдохик) номлаш тамойили асосида сўзнинг тил ифодаси ўрнида қўлланилишига сабаб бўлган ("сўз (тил) айлади инсонни жудо ҳайвондин" (Алишер Навоий). Тилнинг ахборот узатиш, тафаккурни шакллантириш, номлаш-аташ, аккумулятив ва бошқа вазифаларини бажаришида сўз (лексема) ҳал қилувчи ва марказий ўринни ифодалайди. Зеро, маъно (луғавий) тилнинг ўзаги ва мағзидир. Шу боисдан тил лексик структурасини таҳлил ва тадқиқ қилиш, хусусий ҳолатларини очиш ва умумлаштириш тилни текширишнинг асоси ҳисобланади.

В.В.Казанский "Сўзлар оламида" деб номланган китобида ўқувчи диққатини қуйидаги ҳолатга тортади: "Биз шу қадар эрта ва беихтиёр гапира бошлаймизки, бу қандай бўлганини эслай олмаймизгина эмас, бу ҳақида ўйламаймиз ҳам... Аммо ўзингиздан сўраб кўринг: биз қандай қилиб гапира оламиз? Сўз нима ўзи? Кўринадики, нутқ қандай мураккаб ва муғомбир нарсаки, у билан энг мураккаб механизм ҳам тенглаша олмайди. Сўз эса, афтидан, дунёдаги энг ажойиб нарсадир... Ахир бу ажойиб эмасми?" [3.3-5].

Тил, ундаги сўзлар, бир қарашда, механик равишда пайдо бўлгандек ва тил соҳиблари ҳам уларни шунчаки автоматик равишда эгаллаб олгандек тасаввур уйғотади. Албатта, муаммони англаш махсус йўналтирилган тафаккур жараёнини тақозо қилади. Акс ҳолда, биз ҳеч бир нарсада муаммони ҳам, шунинг баробарида, унинг ечимига олиб келадиган вазифаларни ҳам кўрмаган ва англамаган бўлар эдик. Тилга хос сир-синоатларни кузатар ва идрок этар эканмиз, бизда ҳам шундай ҳолат кўзга ташланади. "Аслида ҳозиргача лингвист олимлар қандай қилиб, қайси механизм воситасида сўзнинг "товуш қобиғи" маъно билан бирикиши, у ёки бу шакл айнан шу маънога эгалиги, айни маъно эса қай тарзда у ёки бу шакл билан боғлангани борасидаги саволга узил-кесил жавоб бера олмайдилар" [1.8]. Биргина нутқ товуши ва маъно ҳодисаларида намоён бўладиган шакл ва мазмун яхлитлиги ақл билан ўлчаш қийин мавжудлик бўлиб, уни тилнинг бугунги ҳолати билан, кишиларнинг муайян макон ва замондаги тасаввур ва тафаккур даражаси, ментал дунёси ва билим савияси билан ўлчаб ҳам, баҳолаб ҳам бўлмайди. Товуш ва маъно яхлитлиги инсон тушунчаси билан тенгқур бўлиб, бу яхлитликни англашга интилиш ҳаракатлари инсоният оламида илк диний тасаввурларнинг пайдо бўлиши, муқаддас қитобларнинг вужудга келиши билан бирга бошланган, десак муболаға бўлмайди. Илк сўз, илк луғат, илк тил каби муаммоларнинг муқаддас китоблар ва диний-идеалистик глоттогенетик манбаларда асосий масалалардан бири бўлиб келганлиги ҳам ажабланарли эмас:

И будет первый из людей,
В ожившей глине создан снова,
И задронит в руке твоей
Первоначальной жизни слово. (Е.Полонская)

(Таржимаси: Биринчи инсон жон кирган тупроқдан яна яралади. Ва сенинг қўлингда (хукмингда) сўзнинг илк ҳаёти жунбишга келади)

"Инжил"да тил ва сўз масаласи чигал жумбоқлардан биридир, зеро, "Инжил"нинг тўртинчи – Юҳанно баён этган "Хушхабар" қисми "Азалда Каломуллоҳ бор эди" деган оят билан бошланиши бежиз эмас:

Азалда Калом бор эди.
Каломуллоҳ Худо ҳузурида эди,
Калом - Худо эди.
Азалданоқ У Худо ҳузурида эди! [4.613]

Манбаларда изоҳланишича, *Каломуллоҳ* юнонча *логос*, яъни борлиқнинг асосидаги илоҳий куч ва мантиқ, Худонинг Каломи эса Исо Масиҳдир. Ушбу манбалар баёнига кўра Худо Исо Масиҳ орқали коинотни яратган ва уни асрамоқда.

"Инжил"да сўз, каломнинг талқини *калом* тушунчаси пайдо бўлгандан буён мунозара мавзуси бўлиб келмоқда (хусусан, мусулмон манбаларида бошқача талқинлар етакчилик қилади). Бу бадиий асарларда ҳам ўз аксини топган. Чунончи, "Инжил"нинг бу оятини немис тилида шарҳлашни мақсад қилган Фауст учун оятдаги *логос* сўзи-

нинг таржимаси мушкул иш бўлади, чунки юнонча *логос* ўта серқирра ва маъно қамрови ҳамда тармоқлари кенг сўздир. Ҳёте Фауст тили билан шундай ёзади:

“Дастлаб Калом бўлган”- илк сатрданоқ
Мени лол этди-ку мураккаб жумбоқ.
Нима бўлди экан бунинг маъноси,
Наҳот сўз оламининг бўлса асоси?
“Дастлаб Идрок бўлган - мана таржима,
Матн мазмунига шу сўз яқинроқ.
Лекин ўйлаш керак, бисмиллоданоқ
Ишни расво қилиб қўймайлик яна.
Йўқ, идрок борлиқнинг замири эмас,
“Дастлаб Қудрат бўлган”, қолгани абас.
Яна юрагимга иштибоҳ солдим,
Яна ҳайронликка учрадим-қолдим.
Йўқ, қудрат эмас у, қилибман хато,
“Дастлаб Амал бўлган” - шу асли маъно!

Юнон тилида жаранглаган *логос* сўзини Ҳёте (Фауст) *калом* (сўз), *идрок, қудрат, амал* тушунчаси билан шарҳлашга ҳаракат қилади, зеро ибтидони “идрок” ёки “калом” маъносида ёхуд “қудрат (имконият)” ва “амал” сифатида тушуниш бир-бирига қарама-қарши фикр юритиш демакдир. Инжилнинг бу оятини турлича тушуниш мунозараси инсониятнинг муштарак бадиий тафаккуридан ҳам ўрин олиб келмоқда. Биргина Ч.Айтматовнинг “Қиёмат”, М.Булгаковнинг “Уста ва Маргарита” романида Исо Масиҳ билан Понтий Пилат ўртасида кечган мунозарада ҳам бу зиддиятли ҳолат ўз аксини топганлиги фикримизни тасдиқлайди.

Маълумки, сўзнинг маъновий хусусиятларини ўрганиш антик даврларга бориб тақалади.

Антик фалсафада номлаш муаммоси ва масаласи, нарса/предмет ва сўз орасидаги боғлиқлик масаласи кун тартибига қўйилган ва ўша давр инсоният тафаккури даражасида уларни ечишга ҳаракат қилинган. Улар нарса-предмет ва сўзлар орасидаги боғланишнинг табиий ёки шартли эканлигини тан олиш масаласида мухолифатда бўлишган. Сўз маъноси билан аталмиш орасидаги табиий боғланишларни эътироф этган олимлар ўзларининг шиорлари сифатида *fyuzey* (“табиатга кўра”) терминини байроқ қилишган. Эрамиздан олдинги 544–483 асрларда яшаб ўтган Ҳераклит Эфесский ушбу ғоя тарафдори бўлган. Ифодаловчи ва ифодаланмиш орасидаги табиий боғланишларни инкор этиб, бу боғланишни шартли боғланиш сифатида кўрадиган олимларнинг шиорлари эса *tezey* (“келишувга кўра”) термини бўлганлиги антик давр қарашлари ҳақидаги аксарият манбаларда учрайди. Бу ғояни илгари сурган йўналишнинг атоқли намояндаси эрамиздан олдинги 460–371 асрларда яшаб ижод қилган Демокрит эди. Афлотуннинг “Кратил” асарида фюзеистлар билан тезеистларнинг мунозараси ўз ифодасини топган. Бунда Ҳераклитнинг қарашлари анча ривожлантирилган. Хусусан, қулдорлик даврида шон-шуҳратга бурканган, материализм билан идеализм оралиғидаги вазиятни эгаллаган стоикларнинг қарашларида Ҳераклитга кўпроқ ҳамфикрликни кўриш мумкин. Албатта, кейинги авлод ўз аждодларининг қарашларига суянган ҳолда уларнинг фикрларини чуқурлаштирган, бойитган. Эрамиз арафасида яшаб ижод этган Филон Александрийский Ҳераклит қарашларини танқидий қабул қилган ва бойитган. Масалан, Ҳераклит сўзни билимларнинг шунчаки “қобиғи” сифатида баҳолаган бўлса, Филон унинг аккумулятив вазифасини кенгроқ тушунган, сўзнинг билим “макони” ва манбаси эканлиги ғоясини илгари сурган. Бу билан сўзнинг когнитив функциясини тилнинг аккумулятив вазифалари марказига қўйган ва ўз салафларининг қарашларини фаоллик тамойили билан тўлдирган. Хуллас, антик давр намояндалари илгари сурган сўз (логос)нинг билимлар манбаи эканлиги ҳақидаги ўлмас ғоялари илк христианлик давригача етиб келди. Масалан, илк христианлик илми назариётчилари Климент Александрийский, Афанасий Великий, Августин, Фома Аквинский кабилар ўз қарашларида Филон Александрийскийнинг қарашларини қўллаб-қувватлаганлар ва у ёки бу даражада христианлик тамойиллари ва арконларига мос равишда ривожлантирганлар. Бироқ илк христианлик мафкурасига асосланган тафаккур тарзи антик даврнинг политеизм негизидаги тафаккур тарзига нисбатан илм-фанни, адабиёт ва санъатни, маънавий маданиятни ривожлантириш имкониятлари бўйича жуда ночор эди. Европаликларнинг ўзлари Уйғониш давригача христиан оламини зулмат ва қора кучлар васвасаси даври деб аташлари бежиз эмас [5.411]. Шундай бўлса-да, сўз ва маъно муносабати, умуман сўз ҳақидаги Ҳераклит, Эфесский, Александрийский томонидан билдирилган илк қарашлар “сўз ҳақидаги континик концепция” деган номни олиш даражасига етди [2.193].

Албатта, антик давр олимлари қарашларида мистик оҳанглар, тилни қандайдир мавжудлик сифатида инсонга тутқазилган неъмат, тил ўзида, ҳақ томонидан расуллари орқали бандасига узатилган бир пайғом сифатида тушунишлар конти-

ник концепция мазмунига сингдириб юборилган эди. Масалан, “Ригведа”даги “сўзнинг Ҳақдан юборилган донишмандлик эканлиги, “Авесто”даги “илк сўзнинг оламни яратганлиги” каби ғоялар [2] фикримизнинг далилидир. Умуман олганда, бу давр тил илмида “лингвистикагача бўлган давр” деб аталишининг ўзи ҳам, албатта, тил ҳақидаги фикрларнинг йўл-йўлакай ёки бошқа (масалан, фалсафий масалалар) муаммолар билан кесишган нуқталарда баён этилгани ҳамда ҳали тадқиқ ёки талқин мақсади ва объекти даражасига етмаганлигини кўрсатади.

Уйғониш даврига келиб, сўз ва маъно, тил ва нутқ масалаларини илмий-идеалистик талқин қилиш борасида бирмунча силжишлар юз берди. Албатта, бу ўша давр маънавий-мафкуравий ҳолати, ижтимоий дунёқараш ва онгнинг ривожланганлик даражаси билан белгиланади. “Ренессанс (Европа Уйғониш даври) христиан динининг инсонга, жамиятга муносабатини, христиан ахлоқини, эстетик қарашларини қаттиқ танқид остига олди, гуманизм (инсонпарварлик) ғоясини илгари сурди, шахс манфаатларини, индивидуализмни маънавий ва ахлоқий жиҳатдан оқлади. Антик даврнинг гедонизм ва эвдемонизм тамойилларини янгича шароитга мослаб тиклади. Тафаккур эркинлигига, илм-фан, санъат ва адабиёт ривожланишига, жамият дунёқараши, ахлоқий ва эстетик меъёрлари ўзгаришига йўл очди” [5.412]. Бу эса, гарчи, мистик ва идеалистик мағиз билан йўғрилган бўлса-да, сўз ва маъно, тил ҳақида анъанавий қарашлардан фарқли маълум бир ғоя ва фикрларнинг шаклланишига туртки бўлди. “Уйғониш даври лисоний маъно концепцияси” номи билан фаншунослик тарихидан ўрин олган лингвистик қарашлар тизими анча эътиборли эканлиги билан характерлидир.

Адабиётлар:

1. Алефиренко Н.Ф. Спорные проблемы семантики – М.: Гнозис, 2005
2. Верещагин Е.М., Костомаров В.Г. Лингвострановедческая теория слова. – М.: Русский язык, 1980
3. Казанский В.В. В мире слов. – Л., 1958
4. Муқаддас китоб. Инжил. Тавротдан “Ибтидо”. “Забур”. – Стокгольм, 1992
5. Эркаев А. Маънавият ва тараққиёт. – Т.: 2009

Андижон давлат университети,
2013 йил 11 октябрда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. А.Нурмонов)